

## Сийрат дарслари (165-дарс) Фитрат



17:00 / 24.12.2021 2732

603. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Фитрат бештадир: хатна; ҳаром тукларни тозалаш; қўлтиқ (остидаги мўй)ни юлиш; мўйлабни қирқиш; тирноқларни олиш»**, деяётганларини эшитдим».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

«Фитрат» сўзи бу ўринда «анбиёлардан суннат бўлиб келаётган покланиш» маъносини билдиради.

604. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз учун мўйлабни қайчилаш, тирноқларни қисқартиш, қўлтиқ (остидаги мўйлар)ни юлиш ва қовуқни қиришни қирқ кечадан кўпга қолдирмаслигимизга муддат белгиланган».

*Муслим ривоят қилган.*

605. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ўзига бино қўйиб кийимини судраб юрса, Қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмайди»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, кийимининг бир тарафини ушлаб

юрмасам, бўшаб, осилиб қолаверади», деди Абу Бакр. **«Сен буни ўзингга бино қўйиб қилмайсан-ку!»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

606. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким манманлик билан кийимини судраб юрса, Қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмайди»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**